

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.1.17.01 – РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

МАХМУДОВА ГУЛЖАХОН НЕМАТДЖОНОВНА

**ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ МОДЕЛЛАРИНИНГ
НАЗАРИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.01 – Иқтисодиёт назарияси

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/Iqt6 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Вахабов Абдурахим Васиқович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Набиев Элшод Ганиевич иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Хасанов Рустам Раббимович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Расулов Тўлқин Сатторович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Андижон машинасозлик институти

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат «___» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А. Темур шоҳ кўчаси, 60 А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-11-48, e-mail: admin@tfi.uz).

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин. (№12 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60 А-уй. Тел.: (371) 234-53-25

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги №_____ рақамли реестр баённомаси)

Н. Х. Хайдаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

С. У. Меҳмонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ж. И. Каримқулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Кириш (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгаришлар дастурини амалга ошириш орқали аксарият ривожланган мамлакатлар инновацион омиллارга асосланган барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаганлар. Бу борада Япония, Германия, Корея Республикаси, Хитой Халқ Республикаси иқтисодиётни модернизациялаш стратегияларини амалга ошириш асосида барқарор иқтисодий ўсиш суръатига эришган ҳамда иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширган. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида иқтисодиётни модернизациялаш ва унинг таркибини диверсификациялаш асосида инновацион тараққиёт йўлига ўтиш вазифалари ҳал этилмоқда. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришда модернизациялаш лойиҳаси ишлаб чиқилгандан сўнг, таркибига саноат, инвестиция ва инновация сиёсатларини қамраб олувчи стратегия тузилади. Модернизациялашда бир томондан иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, сифат жиҳатдан такомиллаштириш, пировардида ишлаб чиқаришни диверсификациялаш назарда тутилса, иккинчи томондан инсон омилини тараққий эттириш масаласи туради.

Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида “...давлатнинг инновацион янгилашни дастурини шакллантириш, инновация ва инвестициялардан самарали фойдаланадиган янги авлод кадрларини, янги сармоядорлар синфини тайёрлаш ўта муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича миллий ғоя, миллий дастур керак. Ушбу дастур Ўзбекистонни жаҳондаги тараққий топган мамлакатлар қаторига тезроқ олиб чиқишга имкон яратиши лозим”¹. Ушбу узок муддатли стратегик мақсадларга эришишда миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш етакчи ўрин тутди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида “таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан унинг рақобатбардошлигини ошириш”² устувор вазифа сифатида таъкидланган.

Жаҳон амалиёти кўрсатишича, миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг энергия, материал ва капитал сиғимкорлигини юқорилиги, замонавий технологияни ўзида мужассамлаштирмаганлиги маҳсулотларнинг рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрсатади. Иқтисодиётда амалга оширилаётган модернизация жараёнларини жадаллаштириш ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг назарий, концептуал жиҳатларини чуқур таҳлил этиш,

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёвнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. 48-б.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони//Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й. 6-сон.

ривожланган мамлакатларда миллий хўжаликни модернизациялаш дастурларини амалга ошириш борасида тўпланган илғор, бой тажрибани қиёсий таҳлил қилиш, улардан Ўзбекистонда амалга оширилаётган модернизациялаш стратегиясини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш борасида ижодий қўллаш имкониятларини тадқиқ этиш катта илмий – амалий аҳамиятга эга. Юқорида қайд этилган ҳолатлар миллий иқтисодиётни модернизациялаш моделларининг назарий, концептуал асосларини Ўзбекистоннинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда янада такомиллаштиришга оид тизимли илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартдаги “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3860-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4609-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5308-сон Фармонида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг 1. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ ИТД-2 “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” лойиҳаси доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий – тадқиқотлар шарҳи.

Иқтисодиётни модернизациялаш назариясига бағишланган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Оксфорд Университети (Oxford University, Буюк Британия), Кембридж Университети (Cambridge University, Буюк Британия), Принстон Университети (Princeton University, АҚШ), Чикаго Университети (Chicago University, АҚШ), Жаҳон банки институти (World Bank Institute, АҚШ), БМТнинг саноат тараққиёти бўйича ташкилоти (United Nations Industrial Development Organization (UNIDO), АҚШ), БМТнинг минтақавий

ривожлантириш маркази (United Nations Centre for Regional Development, АҚШ), БМТнинг тараққиёт дастури (United Nations Development Programme (UNDP) АҚШ), Иқтисодий ҳамкорлик ва Тараққиёт ташкилоти (Organization for Economic Cooperation and Development (OECD), Франция), Модернизация тадқиқотлари маркази (China Center for Modernization Research, Хитой), Иқтисодиёт Олий мактаби – Давлат Университети, Иқтисодий мактаб институти (Высшая экономическая школа, Россия), Ўзбекистон Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, Иқтисодий тадқиқотлар маркази, Ўзбекистон Миллий университетида олиб борилмоқда.

Иқтисодиётни модернизациялаш моделларининг назарий асосларини такомиллаштиришга оид илмий тадқиқотлар жараёнида қуйидаги илмий натижалар олинган: иқтисодиётни модернизациялашнинг иқтисодий ўсиш ва инвестицияларга боғлиқлиги моделлари ишлаб чиқилган (Oxford University, Cambridge University, Буюк Британия); модернизациянинг саноат инкилобидан кейинги классик моделининг назарий жиҳатлари очиқ берилган; интеллектуал фан сиғимкорлиги юқори, ахборотлашган жамиятга хос бўлган постмодернизациялаш назарияси ишлаб чиқилган (Chicago University, АҚШ); иккинчи модернизациялаш назарияси фанга киритилган (China Center for Modernization Research, Хитой); модернизациялаш сиёсий ва ижтимоий категория сифатида комплекс таҳлил этилган, иқтисодиётни модернизациялаш моделлари турлари, модернизациялаш дастурларини амалга ошириш микёси ва ҳаракатлантирувчи кучларига оид илмий хулосалар қилинган (Высшая экономическая школа, Россия).

Жаҳон иқтисодий фанида иқтисодиётни модернизациялаш моделларининг назарий асосларини такомиллаштириш бўйича қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: иқтисодиётни “қувиб етадиган” модернизациялаш моделининг амалга ошириш механизмини самарадорлигини ўстириш; миллий иқтисодиётни инновацион тараққиёт йўлига ўтишида модернизациянинг таъсирини баҳолаш; иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгаришлар ўртасидаги ўзаро мутаносибликни ўрнатиш; иқтисодиётда инновацион омиллар ҳисобидан барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодиётни модернизациялашнинг айрим назарий ва амалий жиҳатлари У.Ростоу, Р.Ингелхарт, Э.Меддисон, Р.Кинг, Ж.Нэтэнсон, А.Люисъ, Х.Чуанки, Х.Ямаваки, У.Роберт, П.Ромер³ каби узоқ хорижлик иқтисодчи олимларининг илмий ишларида тадқиқ этилган.

³Rostow W. The Stages of Economic Growth. Cambridge University Press, 1991. - Business & Economics - 272 p.; Inglehart R. Modernization and Postmodernization: cultural, economic, and political changes in 43 societies. Princeton, New Jersey: Princeton University Press 1997. – 464 p.; Maddison A. Depicting data excerpted from Contours of the World Economy, 1–2030 AD. Essays in Macro-Economic History, Oxford University Press, 2007. - 382 p.; King R. The Singapore Miracle, Myth and Reality. Inglewood (Western Australia), 2006. – 472p.; Natanson J. “Las líneas de separación entre izquierda y derecha son otras, pero existen”. Entrevista a Fernando Henrique Cardoso//Nueva sociedad, 2008, N 217. –194 p.; Lewis A. Theories of Industrial Modernization & Development: A Review 2011. – 102 p.; Chuanqi He Modernization Science: The Principles and Methods of

Яқин хориж мамлакатлари олимлари А.Амосов, О.Голиченко, В.Дементьев, Д.В.Диденко, Л.Евстигнеева, Р.Евстигнеев, В.А.Красильщиков, В.Мау, Р.М.Нуреев, Н. Обухов, И.А.Погосов, В.Полтерович, Б.А.Хейфец, К.Хубиев⁴ ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўтиш иқтисодиёти мамлакатларидаги ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнлари таҳлил қилинган, иқтисодиётни модернизациялашнинг миллий стратегиялари, ҳаракатлантирувчи кучлари ва модернизациялаш моделлари хусусиятлари аниқланган ҳамда уларнинг амал қилиш механизми тизимлаштирилган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар А.В.Вахабов, М.Қ.Пардаев, С.В.Чепель, Р.А. Сейтмуратов, Г.Х.Разыкова, У.Надырханов, Н.Н. Обломуратов, Н.Салихова, Ш.Назаров, С.Жураев, Д.Абдурасулова, Б.Хакимов ва У.А.Мадрахимовлар⁵ томонидан иқтисодиётни модернизациялашнинг хориж

National Advancement Springer Science & Business Media, 2012. - 648 p.; Yamavaki H. Japanese Exports and Foreign Direct Investment Imperfect Competition in International Markets, 2007. - 288p.; Wade Robert. Governing the Market: Economic Theory and the Role of Government in East Asian Industrialization. Princeton: Princeton University Press 2003. - 496 p.; Romer P. Endogenous Technological Change//Journal of Political Economy, №5,1990. p.71-102.

⁴Амосов А. Как преодолеть отставание в развитии//Экономист. 2013. №4. С.19-26; Голиченко О. Модернизация и реформирование инновационной стратегии России: проблемы и решения//Вопросы экономики. 2010. №8. С.41-54; Дементьев В. Догоняющее развитие через призму теории «длинноволновой» технологической динамики: аспект «окон возможностей» в кризисных условиях//Российский экономический журнал. 2009. №1-2. С.34-48; Диденко Д.В. Теория модернизации и стратегии трансформации национальной интеллектуалоемкой экономики//Международная экономика. 2010. №11. С.45; Евстигнеева Л., Евстигнеев Р. Тайна догоняющего развития//Вопросы экономики. 2013. №1. С.81; Красильщиков В.А. Вдогонку за прошедшим веком: Развитие России в XX веке с точки зрения мировых модернизаций. М.: Российская политическая энциклопедия (РОССПЭМ), 1998. С.9-24; В. Мау Между модернизацией и застоем: экономическая политика 2012 года//Вопросы экономики. 2013. №2. С. 4-22; Нуреев Р.М. Россия: Особенности институционального развития. М.: Норма, 2009. С.40-109; Обухов Н. Опережающая и догоняющая индустриализация в ракурсе различных подходов// Экономист. 2013. №1. С.87-96; Погосов И.А. Тенденции воспроизводства в России и проблемы модернизации экономики. М.: Спб.: Нестор-История, 2012. 312 с; Полтерович В. Гипотеза об инновационной паузе и стратегия модернизации//Вопросы экономики. 2010. №6. С.4-23; Хейфец Б.А. Мировой опыт успешных модернизаций//Международная экономика. 2011. №6. С.21-28; Хубиев К. Неоиндустриальная модернизация и альтернативные подходы к ней// Экономист. 2013. №4. С.27-32;

⁵Вахабов А.В., Разыкова Г.Х. Модернизация экономики – Т.: Иқтисод-Молия, 2014. 200 с.; Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар: Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2010. 328 б.; Вахабов А.В., Разыкова Г.Х., Хажибакиев Ш.Х. Иностраные инвестиции и модернизация национальной экономики – Т.: Молия, 2011. 300 с.; Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Модернизация, диверсификация ва инновация – иқтисодий ўсишнинг муҳим омиллари: Монография. Т.: Навруз, 2014. 104 б.; Чепель С.В. Системный анализ и моделирование перспектив устойчивого развития национальной экономики Узбекистана: Монография Т.: IFMR, 2014. 316 с.; Чепель Экономический рост за годы независимости: факторы, проблемы и перспективы//Экономическое обозрение. 2003. №6. С. 15-22; Сейтмуратов Р.А. Модернизация общества и структурное обновление экономики Республики Узбекистан: Монография. Т.: Узбекистон миллий энциклопедияси, 2006. 140 с.; Надырханов У. Иностраные инвестиции и региональное развитие республики//Бозор, пул ва кредит. 2013, №1. б. 42-45.; Обломуратов Н.Н. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Т.:2008. 25 б.; Салихова Н. Иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнида Ўзбекистоннинг халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорлик йўналишлари// Бозор, пул ва кредит. 2013, №7. б.26-33.; Назаров Ш. Конкурентоспособность и модернизационная стратегия развития регионов//Бозор, пул ва кредит. 2012. №7. С. 34-36.; Жураев С. Переход Узбекистана к наукоемкой экономике//Бозор, пул ва кредит. 2012. №12. Б. 32-35.; Абдурасулова Дж. Корея на новом этапе модернизации: рывок и авангард: Монография. Т.: Иқтисодиёт, 2012. 252 б.; Хакимов Б. Иқтисодий модернизация ва унинг назарий талқини//Молия илмий журнали. Т., 2011. №3-4. Б.136-137.; Мадрахимов У.А. Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизация қилиш асослари//Иқтисод ва молия. 2012. №1. Б. 14-17.

тажрибасини таҳлил этиш асосида Ўзбекистон иқтисодиётида модернизациялаш зарурияти, унинг концептуал асослари, ҳаракатлантирувчи кучлари, моделлари, модернизациялашни чуқурлаштириш жараёнидаги давлат иқтисодий сиёсатининг ўрни таҳлил этилган.

Иқтисодий адабиётда аксарият ҳолатда жаҳонни турли мамлакатларида модернизациялашнинг “табиий”, “инқилобий” моделларини мамлакатлар кесимида қиёсий ўрганишга устуворлик берилгани ҳолда, “қувиб етадиган” моделни махсус чуқур тадқиқ этишга етарлича эътибор берилмаган. Ваҳоланки, XX асрнинг иккинчи ярми бошларида Япония, Корея Республикаси, Хитой, Бразилия, ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида иқтисодиётни “қувиб етадиган” модернизациялаш моделини амалиётда қўллаш борасида эътиборга лойиқ, бой тажриба тўпланди.

Юқоридаги сабабларга кўра, иқтисодиётни модернизациялаш моделларининг назарий асосларини такомиллаштириш ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда модернизациялашнинг “қувиб етадиган” моделини Ўзбекистон иқтисодиётида ижодий қўллаш самарадорлигини оширишга қаратилган махсус тизимли илмий тадқиқот ишларига бўлган эҳтиёж кескин ортиб бормоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасидаги илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу диссертация мавзуси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режаси ва Ф-1-115 “Иқтисодиётни модернизациялашнинг концептуал асосларини такомиллаштириш” мавзусидаги 2012-2016 йилларга мўлжалланган фундаментал илмий тадқиқот гранти лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш моделларининг назарий асосларини янада такомиллаштириш ва уни амалиётда қўллаш механизми самарадорлигини оширишга қаратилган тизимли илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

иқтисодиётни модернизациялашга иқтисодий категория сифатида таъриф бериш ва таснифлаш;

иқтисодиётни модернизациялашнинг илмий концепцияларини шаклланиш ва ривожланиш босқичларини тадқиқ этиш;

иқтисодиётни модернизациялашнинг моҳияти, зарурлиги, тамойиллари, хусусиятлари ва омилларини таҳлил этиш;

иқтисодиётни модернизациялаш моделларини мезонлар, умумий жиҳатлари ва фарқлари бўйича гуруҳлаш;

иқтисодиётни модернизациялашнинг “табиий модели”нинг келиб чиқиши, хусусиятлари ва ҳаракатлантирувчи кучларини тадқиқ этиш;

иқтисодиётни модернизациялашнинг “инқилобий модели” моҳияти ва хусусиятларини аниқлаш;

жаҳон иқтисодиётида қўлланилган модернизациялаш моделларининг амал қилиш тажрибасини ўрганиш ва ундан Ўзбекистон амалиётида ижодий фойдаланиш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

иқтисодиётни “қувиб етадиган” модернизациялаш моделини амал қилиш хусусиятлари, афзалликлари ва ривожланиш тенденцияларини аниқлаш;

Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш стратегияси ва инновацион тараққиёт йўлига ўтишининг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш;

узоқ муддатли даврда миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни жадаллаштириш бўйича муқобил сценарийлар прогнозларини ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодиётни модернизациялаш жараёни ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш дастурини ишлаб чиқиш ва жорий этишда содир бўладиган иқтисодий муносабатлар мажмуасидан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида таркибий-тизимли ёндашув, гуруҳлаш, қиёсий таҳлил, эмперик ва мантиқийлик, статистик кузатиш, илмий абстракциялаш, индукция, дедукция, умумлаштириш усули, корреляцион ва регрессион таҳлил, иқтисодий математик моделлаштириш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- иқтисодиётни модернизациялаш категориясига ишлаб чиқариш омилларини такомиллаштириш асосида иқтисодиёт тармоқларида барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидан иборат узлуксиз жараён сифатидаги тавсифи ишлаб чиқилган ва иқтисодиётни модернизациялаш категорияси таърифи такомиллаштирилган;

- иқтисодиётни модернизациялаш жараёнига таъсир этувчи жамғариш нормаси, ялпи талаб, суғурта жамғармалари ҳажми, хорижий инвестициялар, технологиялар импорти, мамлакат экспорт салоҳияти, халқаро кредитлар каби омилларни тавсифлаш ва таснифлаш тўғрисидаги услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

- иқтисодиётни модернизациялаш моделларининг модернизация лойиҳаси давомийлиги муддати, давлатнинг ўрни каби фарқланиш мезонларини ҳаракатлантирувчи кучлари асосида баҳолаш услубиёти аниқланган;

- миллий иқтисодиётни модернизациялашнинг дастурини самарали амалга ошириш учун ялпи инвестиция нормаси камида 25-35% бўлиши зарурлиги тўғрисидаги таклиф асосланган;

- Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш дастурининг таркиби, устувор йўналишлари ва уни амалга ошириш муддати 20-30 йилни ташкил этиш таклифи ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистонда иқтисодийни модернизациялашни ҳолати баҳоланган, таъсир этувчи омиллари аниқланган ва амалга ошириш механизми жиҳатидан гуруҳланган;

- иқтисодийни модернизациялашнинг жаҳон тажрибаси чуқур таҳлил қилиниб, ривожланиш моделларининг умумий жиҳатлари ва фарқлари тавсифланган, афзалликлари ва камчиликлари аниқланган;

- иқтисодийни модернизациялаш моделларининг назарий асослари ва улардан амалда фойдаланишнинг иқтисодий механизми дастаклари таъсирчанлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялари миллий иқтисодийни модернизациялашнинг концептуал жиҳатларини такомиллаштириш имконини берди;

- тадқиқот натижаларидан узоқ ва ўрта муддатли даврда давлат томонидан иқтисодийни модернизациялашни жадаллаштириш ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган мақсадли дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Халқаро Иқтисодий ташкилотларнинг ҳисоботлари расмий маълумотларидан фойдаланилганлиги, келтирилган таҳлиллар ва истиқболни белгилаш учун ишлаб чиқилган сценарийлари математик статистика ва эконометрика моделлари воситасида асосланганлиги, тегишли хулоса, таклиф ва тавсияларнинг вазирлик ва идоралар томонидан амалиётга жорий этилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқот жараёнида олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан иқтисодийни модернизациялашнинг концептуал асосларининг амалий жиҳатларини келажакда чуқур тадқиқ этишга қаратилган махсус илмий – тадқиқот ишларида манба сифатида фойдаланиш билан белгиланади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти диссертациядан олинган натижалар, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан мамлакатимизда иқтисодийни модернизациялаш, диверсификациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг узоқ муддатга мўлжалланган стратегик концепцияси, мақсадли давлат дастурлари, иқтисодийни модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш бўйича чоратадбирлар тизимини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида “Иқтисодий назарияси”, “Макроиқтисодий”, “Иқтисодийни модернизациялаш ва диверсификациялаш стратегияси”, “Хорижий инвестициялар”, “Индустриал иқтисодий”, “Иқтисодий ўсиш моделлари”, “Жаҳон иқтисодий ва халқаро иқтисодий муносабатлар”, “Инсон тараққиёти” каби фанларнинг ўқув дастурлари, дарслик, ўқув, услубий қўлланмаларни такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иқтисодийни модернизациялаш моделларининг назарий асосларини такомиллаштириш борасида олинган илмий натижалар амалиётга жорий этилган, жумладан:

иқтисодийни модернизациялаш категорияси таърифига такомиллашган назарий ёндашув, иқтисодийни модернизациялашнинг ижтимоий тамойиллари, хусусиятлари, омиллари, ҳаракатлантирувчи кучлари тўғрисидаги таклифи ва фарқланиш мезонларини асосланиши Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институтининг амалий фаолиятида қўлланилган. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институтининг 2017 йил 14 декабрдаги 01/06-670-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга татбиқи миллий иқтисодийни модернизациялашнинг концептуал асосларини такомиллаштириш ва амалга оширишнинг устувор йўналишларини аниқлаш имконини берган;

иқтисодийни модернизациялаш жараёнига таъсир этувчи эндоген ва экзоген омилларни тавсифлаш ва таснифлаш тўғрисидаги услубий тавсиялар ЎзР ВМ нинг 2017 йил 11 майдаги 526-ф-сонли Фармойиши 8-илоvasи “2018 йилнинг асосий макроиқтисодий прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва инвестицион дастурларини шакллантириш бўйича методологик қўлланма”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси иқтисодий вазирлигининг 2018 йил 10 апрелдаги ММ-3-1/20-72-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш иқтисодийни етакчи тармоқларини модернизациялаш ва таркибий ўзгаришлар дастурларини шакллантиришнинг методологик асосларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

миллий иқтисодийни модернизациялаш моделларининг фарқланиш мезонларини ҳаракатлантирувчи кучлар асосида баҳолаш методикаси ЎзР ВМ нинг 2017 йил 11 майдаги 526-ф-сонли Фармойиши 8-илоvasи “2018 йилнинг асосий макроиқтисодий прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва инвестицион дастурларини шакллантириш бўйича методологик қўлланма”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси иқтисодий вазирлигининг 2018 йил 10 апрелдаги ММ-3-1/20-72-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни амалиётга қўлланилиши асосида миллий иқтисодийнинг етакчи соҳа ва тармоқларини модернизациялашнинг мақсадли давлат дастурлари шакллантиришни методологик асослари ва амалга ошириш механизмини такомиллаштириш имконини берган;

миллий иқтисодийни модернизациялашнинг дастурини самарали амалга ошириш учун ялпи инвестиция нормаси камида 25-35% бўлиши зарурлиги тўғрисидаги амалий таклифи Ўзбекистон Республикаси иқтисодий вазирлиги амалиётида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси иқтисодий вазирлигининг 2017 йил 12 сентябрдаги ММ-3-2/20-328-сон маълумотномаси). Ушбу таклифдан Ўзбекистонни 2030 йилгача бўлган муддатга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепциясининг муқобил прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқишда фойдаланилган;

ривожланган мамлакатларда амалга оширилган миллий иқтисодиётни модернизациялаш дастурларини қиёсий таҳлил этиш асосида Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш дастурининг таркиби, устувор йўналишлари ва уни амалга ошириш муддати 20-30 йилни ташкил этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги томонидан “Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача бўлган муддатга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепцияси”нинг прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлигининг 2017 йил 12 сентябрдаги ММ-3-2/20-328-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни амалиётга жорий этилиши миллий иқтисодиётни модернизациялаш стратегиясини муваффақиятли амалга ошириш, мамлакат иқтисодий ва ишлаб чиқариш салоҳиятини тўла янгилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 20 та, шундан, 17 та республика ва 3 та халқаро илмий – амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён қилинган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш, жумладан, битта монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 11 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 220 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **“Иқтисодиётни модернизациялашни назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида “Иқтисодиётни модернизациялаш”нинг иқтисодий категория сифатидаги моҳияти, зарурлиги, хусусиятлари, омиллари, тамойиллари ва иқтисодиётни модернизациялаш илмий концепцияларининг ривожланиш босқичлари таҳлили амалга оширилган. “Иқтисодиётни модернизациялаш” категориясининг мазмунини тўлиқ акс эттирувчи такомиллашган муаллифлик таснифи берилган, ушбу категориянинг шаклланиши ва ривожланиш эволюциясига берилган турли илмий қарашлар таҳлил қилинган, тизимлаштирилган ва тегишли илмий хулосалар шакллантирилган.

Иқтисодий адабиётда “иқтисодиётни модернизациялаш” категорияси “инновация”, “диверсификация”, “барқарор иқтисодий ўсиш”, “ўтиш иқтисодиёти” каби тушунчалар билан узвий боғлиқликда таҳлил қилинган.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида бозор муносабатларини шакллантириш жараёнида модернизация назарияларидан деярли фойдаланилмаган ва аксарият ҳолларда “ислохотлар” ва “ўтиш (транзит) иқтисодиёти” тушунчалари қўлланилган. Иқтисодий ислохотлар жараёнида биргина бозор институтлари самарали иқтисодий ривожланишни таъминлаб бера олмаслиги маълум бўлди ва иқтисодий айланмага “модернизация”, “таркибий ўзгаришлар”, “миллий рақобатбардошлик” тушунчалари киритилди. Бунда модернизация аксарият мамлакатларда миллий дастур сифатида қабул қилина бошланди.

Иқтисодиётни модернизациялаш механизми “иқтисодиётни модернизациялаш” категорияси “саноатлаштириш”, “инновация”, “иқтисодиётни эркинлаштириш”, “иқтисодиётни диверсификациялаш”, “инсон капитали”, “миллий бойлик” каби қатор тушунчалар билан узвий бирликда ўрганилди. Натижада ушбу тушунчалар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик иқтисодиётни модернизациялаш категориясининг тавсифини тўлиқроқ очиб беради ва иқтисодиётни модернизациялашнинг иқтисодий қонуниятларини аниқлашга ёрдам беради.



1-расм. Иқтисодиётни модернизациялашнинг кластери⁶

1-расмдан кўринадики, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш учун реал сектор тармоқларини модернизациялаш ва диверсификациялаш зарур. Бунда иқтисодиётни модернизациялаш билан диверсификациялаш жараёнлари параллел равишда кечади ва ўзаро узвий боғлиқликда амал қилиб, пировардида инновацион таракқиётни таъминлайди. Инновацион таракқиёт юқори технологияни мужассамлаштирган қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқариб, экспорт ҳажмини ортишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаб, миллий бойликни кўпайтириш орқали миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги таъминланади. Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги эса, аҳолининг турмуш фаровонлиги ортишининг кафолатидир.

Ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос специфик хусусиятларини ҳисобга олиб, иқтисодиётни модернизациялаш категориясини тавсифлаш мумкин.

1-жадвалда иқтисодиётни модернизациялаш категорияси ўзига хос хусусиятларини амал қилиш соҳалари бўйича алоҳида-алоҳида тавсифланган. Модернизациялаш категорияси жамиятнинг ҳамма соҳаларини, жумладан, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатларини ўзига қамраб олади.

⁶ Муаллиф ишланмаси

Иқтисодийни модернизациялаш категорияси тавсифи⁷

Ўзига хос хусусият соҳаси	Тавсифи
Иқтисодиёт	саноатлашган иқтисодиёт, иқтисодий ўсиш суръатларининг юқорилиги, фан сиғимкорлигининг юқорилиги, инновацион ривожланиш
Жамият	турмуш даражаси, аҳоли саломатлиги, урбанизация, бандлик даражаси
Шахс	ташаббускорлик, тадбиркорлик, инноваторлик, билимлилик, эътиқодлилиқ
Давлат	демократия, конституция, бюрократия

Жаҳон амалиёти таҳлили кўрсатишича, модернизациялашни шартли равишда иккига ажратиш мумкин.


Биринчи турида институционал модернизациялаш, яъни ижтимоий ҳаётни модернизациялаш назарда тутилади. Бунда жамиятнинг турли қатлам ва гуруҳларини интеллектуал жиҳатдан юксалтириш орқали инновацияларни яратишга кенг имконият яратилади.

Иккинчи тур модернизациялашда технологик модернизациялаш, яъни иқтисодиётда диверсификациялашни жадаллаштириш ҳамда саноат сиёсатини фаоллаштириш кўзда тутилади. Ушбу ҳолатда иқтисодиётнинг реал тармоқларидаги асосий капиталга сарфланаётган инвестициялар кўламини кенгайтириш орқали саноатлашган иқтисодиётга ўтиб борилади. Миллий иқтисодиётда яратилаётган ялпи ички маҳсулот қиймати таркибида саноатнинг улушини оширишга қаратилган чора–тадбирлар қўлланилади.

Ҳар икки ҳолда ҳам модернизациялашнинг субъектлари: давлат, жамият ва бизнес ўртасидаги ўзаро боғлиқлик муҳим ҳисобланади. Субъектлараро боғлиқлик тўғри ёки қарама-қарши тарзда юз бериши мумкин.

Давлат жамият аъзолари инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади ва кафолатлайди, бизнес-тадбиркорлик учун эркинликлар беради ва қулай муҳит яратади. Жамият давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига хизмат қилади, бизнес учун инновацион лойиҳаларни яратиб беради, меҳнат ресурси сифатида бизнесни ҳаракатга келтиради ва ишчи кучи бўлиб давлат учун хизмат қилади. Бизнес давлатнинг молиявий тушумларини кўпайтиради. Жамият аъзоларида капиталнинг жамғарилиши ва бойишига олиб келади. Уларнинг ўзаро боғлиқлик механизмида иқтисодий самарага эришиш учун ижтимоий жиҳатдан ҳамкорлик муҳим ҳисобланади.

⁷Тадқиқот асосида муаллиф томонидан тузилган.



2-расм. Давлат, жамият, бизнес ва модернизациянинг ўзаро боғлиқлик учбурчаги⁸

2-расмдаги субъектлар ижтимоий-иқтисодий модернизациялашувни ҳаракатлантирувчи кучлари сифатида майдонга чиқсагина мақбул ечимга келинади. Ўзбекистонда қўлланилаётган иқтисодиётни модернизациялашнинг “кувиб етадиган” моделида давлатнинг етакчи ролини ҳисобга олиб, тенг ёнли учбурчакнинг асосига карама-қарши учида давлат, асосидаги учларига жамият ва бизнесни жойлаштирайлик. Учбурчакнинг учидан асосга тушадиган баландлигини модернизация деб фараз қилайлик. Агар (ДЖБ) давлат жамият ва бизнесга эътиборни оширса, модернизация жараёнлари тезлашади, ДЖБ учбурчакнинг ДЖ ва ДБ томонлари узайиб мос равишда учбурчак юзаси ҳам ошади. Модернизация баландлигининг икки марта ошиши учбурчак юзасининг ҳам икки марта ошишига олиб келади. Модернизацияни иккита тўғри бурчакли учбурчакнинг катетлари сифатида қарасак, уни квадратга кўтариш орқали давлат-жамият, давлат-бизнес ҳамкорлигининг ошишига эришилади. Мақсад модернизациялаш орқали ривожланган мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига қувиб етиб олиш ва ҳамма субъектнинг манфаатларига тенг ён босишдан иборат.

Иқтисодий адабиётда иқтисодиётни модернизациялаш категориясига турлича иқтисодий қарашлар берилган.

В.Гельман иқтисодиётни модернизациялаш деганда, дастлаб, иқтисодий ўсиш, турмуш даражасини ошириш ва инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасини⁹ тушунади. Ушбу таърифнинг камчилиги шундаки, чора-тадбирлар мажмуасининг ўзи билангина модернизациялаш рўй бермайди, улар тўғри амалга оширилиши зарур.

Е.Ясин фикрига кўра, иқтисодий модернизация “...барқарор ривожланиш ва ривожланган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашни таъминлаш учун давлат ва ундаги етакчи тармоқларнинг жаҳондаги рақобатбардошлигига эришишдир¹⁰.” Ушбу таъриф модернизациянинг моҳиятини тўлароқ очиб беради, модернизациялаш орқали барқарор

⁸Тадқиқот асосида муаллиф томонидан тузилган.

⁹Гельман В. Авторитарная модернизация: каковы ее перспективы в России [Электронный ресурс] / В. Гельман. — 2008. [http //: www.eu.spb.ru](http://www.eu.spb.ru)

¹⁰Ясин Е.Г. Модернизация и общество [Текст]: докл. к VIII Междунар. науч. конф. Модернизация экономики и общественное развитие./ Е.Г. Ясин; М.: ГУ ВШЭ, 2007. С 6.

ривожланишга эришилади, модернизациялаш жараёнида иқтисодиётнинг реал тармоқларида, жумладан саноатда иқтисодий ўсиш суръатлари юқори бўлади.

В.Красильщиков томонидан иқтисодиётни модернизациялаш категориясига тўлароқ таъриф берилган. Унинг фикрига кўра, “умумий маънода модернизация XX асрнинг иккинчи ярмида Австралия ва Янги Зеландия, Ғарбий Европа ва Шимолий Американинг етакчи давлатларидаги турмуш даражаси ва жамиятнинг тараққиёт даражасига етказишга йўналтирилган ижтимоий ва технологик ўзгаришлар йиғиндиси¹¹.” Мазкур таърифда модернизация дастури амалга ошириладиган давлатнинг специфик хусусиятлари назардан четда қолдирилган. Айрим мамлакатнинг тажрибасини механик кўчириб олиш, кутилган натижани бермайди. Айрим иқтисодчилар фикрига кўра, иқтисодий модернизациянинг концептуал ғояси “иқтисодий, технологик ва институционал жиҳатдан ортда қолишни тан олиш ва уни янги ривожланиш босқичига олиб ўтиш зарурияти”¹² дан иборат. Ушбу таърифдаги ортда қолиш тушунчасига аниқлик киритиш зарур. Бугун модернизация инновацион иқтисодиётга асосланган жамиятни шакллантириш мақсадида технологик, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий укладни комплекс ўзгартириш сифатида кўриб чиқилмоқда.¹³

Иқтисодиётни модернизациялаш иқтисодий категория сифатида техник-технологик янгилашга қараганда кенгроқ мазмун-моҳият касб этади. Б. Хакимов томонидан модернизация ва янгилаш ўртасидаги ўзаро фарқли томонлар очиб берилган ҳамда иқтисодий модернизациянинг моҳиятини ёритишда унинг турли белгиларига кўра таснифлаб тизимлаштирилган.¹⁴

Бир гуруҳ иқтисодчилар фикрига кўра, “модернизация” ва “инновация” категорияларини бирлаштирилган ҳолда “инновацион модернизация” тушунчаси кўринишида қўлланилган. Иккинчи гуруҳ иқтисодчилар томонидан эса иқтисодиётни модернизациялаш инновацион ривожланиш йўлига ўтишдаги бир босқич сифатида қаралган. Учинчи гуруҳ иқтисодчилар эса иқтисодиётни модернизациялашда Ғарбий Европани эталон сифатида олиб ғарблаштириш йўналишини танлашган. Иқтисодиётни модернизациялаш иқтисодий категориясига қуйидагича таъриф бериш мумкин:

Иқтисодиётни модернизациялаш ишлаб чиқариш омилларини такомиллаштириш асосида иқтисодиёт тармоқларида барқарор ўсиш

¹¹Красильщиков В.А. Модернизация: зарубежный опыт и уроки для России // Модернизация России: условия, предпосылки, шансы. Сборник статей и материалов. Выпуск 1 / под ред. В.Л. Иноземцева. — М.: 2009. С 85.

¹² Модернизация Российской экономики: структурный потенциал Колл. авторов / Москва, ИМЭМО РАН, 2010. С.5

¹³Вахабов А.В. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида иқтисодиётни модернизациялаш стратегияси //Миллий иқтисодиётни модернизациялаш стратегияси ва уни ўрта муддатларда амалга оширишнинг устувор йўналишлари. -Т.: 2014. Б. 35

¹⁴Хакимов Б. Иқтисодий модернизация ва унинг назарий талқини// Молия илмий журнали Т.: 2011 й. №3-4 Б. 136-137

суръатларини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидан иборат узлуксиз жараён дир.

Ушбу бобда иқтисодиётни модернизациялашнинг илмий концепцияларини ривожланиши тадрижий тарзда тизимлаштирилган. Жумладан, иқтисодий ўсишнинг Кейнс моделидаги тўртта назарий концепциялар: 1) “қашшоқликни доиравий чегараси” назарияси; 2) “ўзини-ўзи қўллаб-қувватловчи ўсиш” концепцияси; 3) “катта туртки” назарияси; 4) “икки тақчиллик билан ўсиш модели” концепцияси ҳамда дуалистик иқтисодиёт назарияси, “меҳнат таклифининг ортиқчалиги модели”, иқтисодиётни модернизациялашнинг кейнс ва некейнс моделлари таҳлил этилган.

“Жаҳондаги миллий иқтисодиётни модернизациялаш моделлари” деб номланган иккинчи бобда иқтисодиётни модернизациялаш моделлари: мезонлари, умумий жиҳатлари ва фарқлари ёритилган. Жаҳон амалиётида қўлланилган модернизациялаш моделларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: инқилобий, табиий ва қувиб етадиган¹⁵. Жаҳон амалиётида иқтисодиётни модернизациялашнинг ушбу учта моделларидаги умумий жиҳатлар ва улар ўртасидаги фарқларни аниқлаш учун уларни Венна диаграммасига жойлаштирамиз.



3-расм. Венна диаграммаси

Математикада тўпламларнинг кесишишини, эҳтимоллар назариясига кўра ҳодисаларнинг кўпайтмасини билдирувчи Венна диаграммасига, қуйидаги белгилашларни киритамиз. Айталик, “Табиий” модель – А ҳодиса, “Инқилобий” модель – В ҳодиса ва “Қувиб етадиган” модель С ҳодиса бўлсин. А, В ва С ҳодисаларнинг бир вақтда содир бўлишини таъминловчи ҳодисалар моделларнинг умумий жиҳатларини ифодалайди. Ушбу диаграмма уччала моделларнинг ўзаро фарқларини ажратиб олишга ёрдам беради.

Иқтисодиётни модернизациялаш моделларидаги ўзаро ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш учун уларни қуйидаги мезонлар асосида баҳолаш лозим: иқтисодиётни модернизациялаш лойиҳасини амалга ошириш муддати,

¹⁵Вахабов А.В., Разыкова Г.Х. Модернизация экономики / Под ред. д.э.н., проф. А.В.Вахабова – Т.: Иқтисод-Молия, 2014. с. 42

иқтисодий жараёнларда давлатнинг роли ва модернизациялашни ҳаракатлантирувчи омиллари таъсири.

Иқтисодиётни модернизациялаш моделлари ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни қайд этилган мезонлар бўйича қуйидагича гуруҳлашимиз мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Иқтисодиётни модернизациялаш моделлари мезонлари¹⁶


Мезон \ Модель	Табиий модель	Қувиб етадиган модель	Инқилобий модель
Давлатнинг роли	Тартибга солувчи	Юқори даражада	Юқори даражада
Амалга ошириш муддати	20-25 йил	20-25 йил	15-20 йил
Ҳаракатлантирувчи омиллар	Эндоген (ички)	Эндоген, экзоген	Экзоген (ташқи)

2-жадвал маълумотлари таҳлили кўрсатишича, иқтисодиётни модернизациялашнинг “табиий” ва “қувиб етадиган” моделларида амалга ошириш муддатлари 20-25 йилни ташкил этади.

“Қувиб етадиган” ва “инқилобий” моделда давлат етакчи ролни бажаради ва экзоген омилларнинг таъсири юқори бўлади.

Инқилобий моделда иқтисодиёт, асосан ташқи қарзлар ҳисобига ривожлантирилса, “қувиб етадиган” моделда эса эндоген ва экзоген омиллардан, ТТХИ жалб қилиш муҳим ўрин тутди.

Ушбу бобда Ғарбий Европа давлатларида иқтисодиётни модернизациялаш табиий моделини шаклланиши ва амал қилишининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Иқтисодиётни модернизациялашнинг табиий моделини ҳаракатлантирувчи кучлари сифатида капитал ва меҳнат ресурсларини ажратиб кўрсатиш мумкин.



4-расм. Иқтисодиётни модернизациялашни “табиий модели” нинг ҳаракатлантирувчи кучлари¹⁷

¹⁶Тадқиқот асосида муаллиф томонидан тузилган.

Иқтисодиётни модернизациялашнинг биринчи босқичида ишлаб чиқаришнинг моддий-ашёвий омили инсоний омилига нисбатан аҳамиятлироқ бўлган бўлса, иккинчи босқичда улар деярли тенглашадилар ва учинчи босқичда эса инсон омили етакчи ўрин эгаллайди (4-расм).

Ушбу бобда Иқтисодиётни модернизациялашнинг инқилобий модели хусусиятлари Лотин Америкаси мамлакатлари мисолида таҳлил этилган ва назарий хулосалар шакллантирилган (3-жадвал).

Инқилобий модель экзоген ташқи омилларга таянган ҳолда ривожланаётган мамлакатларда, жумладан, Лотин Америкаси мамлакатларида муваффақиятли амалга оширилган.

3-жадвал

Иқтисодиётни модернизациялашнинг инқилобий моделини ўзига хос хусусиятлари¹⁸

Инқилобий модель иқтисодий ривожланиш даражаси паст мамлакатларда қўлланилади
Миллий иқтисодиётни модернизациялашда ташқи қарзнинг ЯИМдаги улуши юқори бўлади
Ушбу моделда анъанавий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тизимидан саноатлашган тизимга ўтилади
Иқтисодиётни модернизациялаш стратегияси импорт ўрнини қопловчи товарларни ишлаб чиқаришга йўналтирилади
Инқилобий йўл билан даромад жиҳатидан аҳолининг бой ва камбағал қатламлари ўртасидаги тафовутлар камайтиради
Ислохотлар сакраш йўли билан тарихан қисқа муддатларда амалга ошади
Давлатнинг индустриализация жараёнларидаги роли ортиб боради

Диссертация ишининг учинчи бобида **“Иқтисодиётни “қувиб етадиган” модернизациялаш моделини амал қилиш хусусиятлари ва ривожланиш тенденциялари”** комплекс таҳлил қилинган. Жумладан, иқтисодиётни “қувиб етадиган” модернизациялаш моделини шаклланиш шарт-шароитлари ва ривожланиш омиллари, амал қилиш хусусиятлари, афзалликлари ва муаммолари ҳамда ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида ундан фойдаланиш йўналишлари қиёсий тадқиқ этилган.

Модернизациялашнинг “қувиб етадиган” моделини қўллаш учун тегишли шарт-шароитлар мавжудлиги талаб этилади. Биринчидан, ушбу моделни қўллайдиган давлатнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари тараққий этган мамлакатлар даражасидан паст бўлиши лозим. Иккинчидан, “қувиб етадиган” модернизациялаш стратегияси жадал саноатлаштириш сиёсатини амалга оширишни тақозо этади. Учунчидан, аҳоли таркибида ўрта мулкдорлар синфини шаклланишида, камбағалликка қарши курашда ушбу модель муҳим аҳамият касб этади.

¹⁷Тадқиқот асосида муаллиф томонидан тузилган.

¹⁸Тадқиқот асосида муаллиф томонидан тузилган.

Бу борада Хитой Халқ Республикаси (ХХР) “қувиб етадиган” модернизациялаш моделини самарали амалга ошираётган мамлакат ҳисобланади.

ХХР жаҳон иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатларини намоён этиб, иқтисодий салоҳияти энг йирик давлатлардан бирига айланди ва 2017 йилда ЯИМ ҳажми 11,9 трлн.долл.ни ташкил этди. Хитой иқтисодиёти ривожланишнинг барқарор суръатларда бўлиши устун даражада “қувиб етадиган” модернизациялаш моделини қўлланганлиги билан изоҳланади.



5-расм. ХХРда 1990-2017 йилларда ЯИМнинг ўсиш суръатлари¹⁹

5-расм маълумотларидан кўринадики, 1995-2010 йилларда ўртача йиллик ўсиш суръатлари 10 фоиздан ортиқ бўлган. 2011 йилдан бошлаб ХХР иқтисодиёти мақсади экспортга йўналтирилганликдан иқтисодий ўсиш сифатини яхшилашга, ялпи талабни қондиришга бўйсундирилган.

Агар Хитойда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ 1995 йилда 608\$ ни ташкил этган ҳолда, 2017 йилда 8583 АҚШ долларига етди ва Жаҳон банки гуруҳи услубиётига кўра, мамлакат ўрта юқори даромадли мамлакатлар гуруҳига кирди. Хитой ҳукумати иқтисодий сиёсатига кўра, ЯИМ ҳажми 2020 йилда 2010 йилдагига нисбатан икки баравар ортиши режалаштирилган ва иқтисодий ўсишни аҳолининг ички истеъмолли, инвестициялар ҳажми, ташқи савдога йўналтириш каби омиллар белгилаб беради. 2020 йилга бориб ХХРда ўртача даромадли жамият шаклланади ва камбағалликка бутунлай барҳам берилади. ХХР ҳукумати ўз олдига қўйган стратегик мақсади – 2050 йилга бориб, жаҳон иқтисодиётида энг кучли мамлакатлардан бирига айланиш учун, биринчи босқичда 2035 йилга қадар чуқур ислохотлар олиб бориб, иқтисодиётни модернизациялаш дастурини ниҳоясига етказишни режалаштирган. Иккинчи босқичда эса ХХI асрнинг ўрталарига бориб Хитой Халқ Республикасини бадавлат, кучли, демократик, тараққий этган модернизациялашган жамиятга эга давлатга айлантириш кўзда тутилган²⁰.

Иқтисодиётни “қувиб етадиган” модернизациялаш моделини қўллашнинг хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

¹⁹ www.worldbank.org сайти маълумотлари асосида тузилди.

²⁰ www.centrasia.ru/newsA.php?st сайти маълумотларидан олинди.

1. Иқтисодийни модернизациялашда давлат иқтисодий ислохотларни ташаббускори, ташкилотчиси сифатида иқтисодий тартибга солиш дастакларидан самарали фойдаланиб, эътиборни фаол инвестиция ва саноат сиёсатини амалга оширишга қаратади.

2. Саноатлаштириш ва саноатлаштиришдан кейинги босқичда аграр тармоқдан фойдаланиш самарадорлигини оширишда модернизациялашнинг ҳаракатлантирувчи кучларига таянилади.

Ўзбекистонда 2005-2017 йилларда ЯИМнинг ўртача йиллик ўсиши 7 фоиздан юқори бўлган ва ушбу барқарор иқтисодий ўсиш суръати аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотнинг мос равишда ортиб боришини таъминлади. ЯИМнинг тармоқ таркибида иқтисодий тармоқларнинг қўшган улуши динамикасида кўринадиги, иқтисодийни модернизациялашнинг миллий хусусияти индустриаллаштиришдан бошланади. (4-жадвал)

4-жадвал

ЯИМ нинг тармоқ таркиби (фоизларда)²¹

Тармоқ номи	2000 й	2005 й	2010 й	2015 й	2016 й	2017 й	2000-2017 йй ўзгариши
Жами	100	100	100	100	100	100	
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	87,5	89,4	90,8	91,2	91,3	89,8	2,3 ф.п.
Саноат*	14,2	21,1	23,9	25,7	25,7	30,1	9,9 ф.п.
Қурилиш	6,0	4,8	6,5	7,3	7,2		
Қишлоқ хўжалиги*	30,1	26,3	18,0	18,3	17,6	17,2	-12,9 ф.п.
Транспорт ва алоқа	7,7	10,6	11,5	12,2	12,5	42,5	5,3 ф.п.
Савдо ва умумий овқатланиш	10,8	8,8	9,2	10,3	10,5		
Бошқа тармоқлар	18,7	17,8	21,7	17,4	17,8		
Маҳсулотларга соф солиқлар	12,5	10,6	9,2	8,8	8,7	10,2	2,3 ф.п.

*Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотларида 2015 йилдан бошлаб қурилиш тармоғининг ялпи қўшилган қиймати саноат тармоғи билан биргаликда, қишлоқ хўжалиги ўрмон ва балиқ хўжалиги билан биргаликда ҳисобланадиган бўлди.

4-жадвал маълумотларидан кўринадиги, 2000-2017 йилларда тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати 2,3 фоизли пунктга ўсган бўлса, саноатнинг улуши мос равишда 9,9 фоизли пунктга ортиб, қишлоқ хўжалигининг қўшилган қиймати 12,9 фоизли пунктга камайган. Таҳлил қилинаётган даврда қишлоқ хўжалигидаги ўсиш суръатларига нисбатан саноатнинг ўсиш суръатлари жадал бўлгани учун ЯИМ таркибида саноат

²¹Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

тармоғи улуши ортган ҳолда, қишлоқ хўжалиги тармоғи ҳиссаси нисбатан пасайган.

“Қувиб етадиган” моделда импортни қопловчи ва экспортга йўналтирилган стратегиядан фойдаланилади. Импортни қопловчи стратегия бўйича саноатни диверсификациялаш орқали ички бозорларни тўлдириш ва ундан кейингина экспортга йўналтириш назарда тутилади. Экспортга йўналтирилган стратегияда халқаро саноат кооперацияси бош мезонга айланади.

Тўртинчи боб **“Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш стратегияси ва инновацион тараққиёт йўлига ўтиш йўналишлари”** деб номланиб, унда иқтисодиётни модернизациялаш концепциясининг ҳуқуқий – институционал асосларини такомиллаштириш, иқтисодиётни модернизациялаш стратегиясини амалга оширишда инвестицион сиёсатининг самарадорлигини ошириш йўналишлари, ўрта истикболда миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни чуқурлаштиришнинг муқобил прогнозлари ишлаб чиқилган.

Иқтисодиётни модернизациялаш стратегияси деганда давлатнинг иқтисодий сиёсати ва уни амалга оширувчи институтлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни муайян муддатдаги ўзгаришига айтилади. Иқтисодиётни модернизациялаш стратегияси ҳуқуқий-институционал ўзгаришларга боғлиқдир. Бунда миллий иқтисодиётни модернизациялашдаги муаммолар аниқланади ва стратегияни амалга ошириш муддати оралиғида уларни ҳал этиш йўналишлари мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларига асосланган ҳолда ишлаб чиқилади. Иқтисодиётни модернизациялаш стратегиясида кўзланган муддатга мўлжалланган мақсадлар аниқ белгилаб олинади. Жумладан, Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича миллий дастур қабул қилиниб, ушбу дастур Ўзбекистонни жаҳондаги тараққий топган мамлакатлар қаторига тезроқ олиб чиқишга имкон яратиши лозим. Мазкур бош стратегик вазифага эришишда 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажмини икки баробар ошириш ва саноатнинг улушини (қурилиш тармоғини қўшган ҳолда) 2017 йилдаги 33,5 фоиздан 40 фоизга етказиш масалаларини иқтисодиётни модернизациялаш стратегиясининг ёндош мақсадлари сифатида кўрсатиш мумкин.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгаришлар асосида “... биз давлат жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз”²².

Институционал ислохотлар иқтисодиётни модернизациялашга бевосита таъсир этади. Миллий иқтисодиётнинг субъектлари ҳисобланган давлат ва корхоналар фаолияти самарадорлиги жамиятга боғлиқ. Жамиятни модернизациялашга эса янги институтларни шакллантириш ёки мавжудларини такомиллаштириш орқали эришилади. Жаҳон амалиёти

²² Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2018. 19-б.

кўрсатишича, миллий иқтисодиётни модернизациялаш стратегияси эгилувчан бўлиши керак, яъни жаҳонда ва миллий иқтисодиётдаги содир бўлаётган ўзгаришларга тезда мослаша олиши керак.

Барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш учун иқтисодиётни модернизациялаш концепциясини амалга ошириш қуйидаги йўналишларда жорий этилади:

1. Модернизациялашнинг институционал асосларини такомиллаштириш асосида миллий иқтисодиётда барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришилади.

2. Миллий иқтисодиётдаги барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари модернизациялашга хизмат қилувчи институционал инфратузилмани ривожлантиради.

Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш заруриятдан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасида “Модернизация тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни қабул қилиш зарурияти вужудга келди.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг “Модернизация тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинса, мамлакатимизда миллий иқтисодиётни модернизациялашнинг ҳуқуқий-институционал асоси яратилиб, модернизациялаш жараёнларини жадаллаштириш имконини беради.

Иқтисодиётни модернизациялаш стратегиясини амалга оширишда инвестиция сиёсати муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнини ҳаракатлантирувчи кучларидан бири инвестициялар ҳисобланади. “Сармоясиз тараққиёт йўқ. Ишлаб чиқаришни ва умуман мамлакатимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди”²³. Ўзбекистоннинг миллий инвестиция сиёсатида асосий капиталга сарфланган инвестициялар етакчи ўринни эгаллайди. Қуйида 2000-2017 йилларда асосий капиталга сарфланган инвестицияларни молиялаштириш манбалари ва иқтисодиёт тармоқлари бўйича таркибининг ўзгариши таҳлил этилган. (5 ва 6- жадваллар)

5-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2000-2017 йилларда асосий капиталга сарфланган инвестицияларни республика бюджетидан молиялаштириш 23,7 фоизли пунктга пасайган. 2000-2017 йилларда корхона ва аҳоли маблағлари ҳисобидан молиялаштириш улуши 4,8 фоизли пунктга ортган. Бу эса модернизациялашда молиялаштиришнинг муҳим манбаси бўлган корхоналар ва аҳолининг инвестицион фаоллиги кучайиб бораётганлигидан далолат беради. Асосий капиталга сарфланган инвестицияларни бюджетдан ташқари фондлар маблағлари, жумладан,

²³ Каримов И. А. 2014 йил юқори ўсиш суръатларини билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2014. 12-б.

тикланиш ва тараққиёт фондидан молиялаштириш сезиларли равишда ортиб, 2017 йилда 2000 йилга нисбатан бюджетдан ташқари фондлар ҳисобига молиялаштириш 11,4 фоизли пунктга ортган.

5-жадвал

Асосий капиталга сарфланган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари (% ҳисобида)²⁴

Молиялаштириш манбалари	2000 й	2005 й	2010 й	2014 й	2015 й	2016 й	2017 й	2017 йилда 2000 йилга нисбатан ўзгариши
жами	100							
бюджет маблағлари	29,2	12,2	5,6	4,5	4,5	4,5	5,5	-23,7 ф.п.
корхона ва аҳоли маблағлари	39,1	57,5	49,0	54,7	52,9	53,0	43,9	4,8 ф.п.
банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	7,2	3,8	9,7	11,2	11,8	11,1	11,0	3,8 ф.п.
чет эл инвестицияси	23,2	21,7	28,3	19,8	19,9	21,3	26,9	3,7 ф.п.
бюджетдан ташқари фондлар	1,3	4,8	7,4	9,8	10,9	10,1	12,7	11,4 ф.п.

Шунингдек, 2000-2017 йилларда асосий капиталга сарфланган инвестицияларнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланишида жамига нисбатан давлат секторининг улуши 63,9 фоиздан 24,7 фоизга камайган ёки 39,2 ф.п.га қисқарган, ўз навбатида нодавлат сектор улуши эса 36,1 фоиздан 75,3 фоизга етган.

Иқтисодийни модернизациялашда ЯИМ таркибида саноат тармоғи етакчи улушга эга бўлиши талаб этилади. Ўзбекистонда 2005-2017 йилларда реал секторнинг саноат, қишлоқ хўжалиғи, қурилиш, транспорт ва алоқа каби етакчи тармоқларида жадал ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришилган. Маълумки, ушбу иқтисодий ўсиш суръатларини устун даражада тармоқлардаги асосий капиталга киритилган инвестициялар таъминлаб беради.

2000-2017 йилларда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестицияларнинг тармоқ таркибида саноат етакчи ўринни эгаллади. (6-жадвал)

²⁴Йиллик статистик тўплам Т.: 2007; 2013. 252, 257, 265 – б. Ўзбекистонда қурилиш Статистик тўплам Т.: 2017. 31, 39, 40 – б.; Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси Т.: 2018. 62-б. маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

6-жадвал маълумотларидан кўринадик, 2017 йилда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар 2000 йилга нисбатан саноат тармоғида 19,1 фоизли пунктга, уй-жой қурилишида 4,9 фоизли пунктга ортгани ҳолда бошқа тармоқларда 1,3 фоизли пунктга камайган.

6-жадвал

Иқтисодиётга йўналтирилган инвестицияларнинг тармоқ таркиби
(% ҳисобида)²⁵

Тармоқ номи	2000 й	2005 й	2010 й	2014 й	2015 й	2016 й	2017 й	2017 йилда 2000 йилга нисбатан ўзгариши
Жами	100							
саноат	29,7	32,6	30,4	37,4	40,9	39,4	48,8	19,1 ф.п.
қишлоқ хўжалиги	5,7	4,4	3,5	4,1	3,3	3,3	3,3	-2,4 ф.п.
транспорт ва алоқа	16,8	24,1	29,7	14,1	11,2	13,8	11,8	-5,0 ф.п.
уй-жой қурилиши	13,0	11,0	15,1	20,2	21,9	22,3	17,9	4,9 ф.п.
бошқа тармоқлар	34,8	27,9	21,3	24,2	22,7	21,2	18,2	-16,6 ф.п.
Жумладан, асосий капиталга йўналтирилган хорижий инвестициялар								
саноат	62,4	46,4	23,6	67,7	70,8	87,8	74,0	11,6 ф.п.
транспорт ва алоқа	24,7	38,7	68,3	23,2	20,5	8,4	19,0	-5,7 ф.п.
қишлоқ хўжалиги*	4,6	3,0	0,9	2,3	0,8	1,0		*
бошқа тармоқлар	8,3	11,9	7,2	6,8	7,9	2,8	7,0	-1,3 ф.п.

*2017 йилда қишлоқ хўжалигига сарфланган инвестициялар бошқа тармоқлар таркибида берилган.

2017 йилдан транспорт ва алоқа тармоқларида асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар 5,0 фоизли пунктга, ушбу тармоққа йўналтирилган хорижий инвестициялар улуши эса 5,7 фоизли пунктга камайган.

Саноатда таҳлил қилинаётган даврда асосий капиталга йўналтирилган чет эл инвестициялари 11,6 фоизли пунктга ортган. Ушбу ҳолат иқтисодиётнинг инфратузилмасини ривожлантиришда давлат томонидан саноатдаги инвестиция сиёсатига жиддий эътибор берилаётганини билдиради.

²⁵Йиллик статистик тўплам–Т.: 2007. 289, 297-б.; 2013. 257, 265– б. Ўзбекистонда қурилиш. Статистик тўплам Т.: 2017. 52, 53 – б.маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Асосий капиталга сарфланган инвестицияларнинг технологик таркибида 2000 йилда қурилиш – монтаж ишлари 58,1 фоизни, асбоб-ускуна ва жиҳозлар 30,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб қурилиш монтаж ишлари 60,3 фоизга, асбоб-ускуна ва жиҳозлар эса 31,5 фоизга етди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, инвестицияларни янги объектларни қуришга эмас, балки мавжуд корхоналарни модернизациялаш орқали юқори технологияли, қайта ишловчи тармоқларни ривожлантиришга йўналтирилса, инвестиция таркиби такомиллашиб, қайтими тезлашади ва самарадорлиги ортади.

7-жадвал

2000-2017 йилларда асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг технологик таркиби (% ҳисобида)²⁶

Йиллар \ Таркиби	2000 й	2005 й	2010 й	2014 й	2015 й	2016 й	2017 й	2017 йилда 2000 йилга нисбатан ўзгариши
Жами	100	100	100	100	100	100	100	
Қурилиш-монтаж ишлари	58,1	48,7	52,1	55,0	54,9	56,9	60,3	2,2 ф.п.
Асбоб-ускуна ва жиҳозлар	30,6	38,7	39,0	34,5	34,0	35,4	31,5	0,9 ф.п.
Бошқа капитал ишлар ва харажатлар	11,3	12,6	8,9	10,5	11,1	7,7	8,2	-3,1 ф.п.

7-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2005-2017 йилларда асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг қурилиш-монтаж ишлари учун сарфланиши 11,6 ф.п.га ошгани ҳолда асбоб-ускуна ва машиналар учун сарфланган инвестициялар пасайиб бориш тенденциясига эга. Ушбу ҳолат мамлакат иқтисодиётида юқори технологияни мужассамлаштирган янги тармоқларни вужудга келиши билан боғлиқ бўлиб, асосий капитал таркибида пассив қисмнинг ортишига олиб келмоқда.

Тадқиқот натижалари кўрсатишича, иқтисодиётни модернизациялаш таркибий ўзгаришларга чамбарчас боғлиқ. Мамлакат ЯИМнинг йиллик ўсиши етакчи тармоқлардаги ўсиш суръатларига, жумладан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ўсиши тармоқ таркибига, унга сарфланган инвестициялар ҳажмига, асосий фондларининг ҳолатига, тармоқдаги банд аҳоли сонига боғлиқ равишда ўзгаради. 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясида 2021 йилда саноат таркибида қайта ишлаш саноатининг улушини 85 фоизга етказиш вазифаси қўйилган бўлиб, ушбу мақсадга эришиш учун ҳисоб-китобларимизга кўра, қайта ишлаш тармоғининг улуши жами саноатга нисбатан 2018 йилда 81,6%,

²⁶Альманах Ўзбекистон 2013. Тошкент: 2013. Иқтисодий тадқиқотлар маркази маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди. Ўзбекистонда қурилиш Статистик тўплам Т.: 2017. Б.33; Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017 год. Т.: 2018. 69-б.

2019 йилда 82,4 %, 2020 йилда 84,4 фоизни ташкил этади. 2021 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2017 йилга нисбатан номинал баҳоларда ҳисобланганда 1,5 баравар ортади, жумладан, қайта ишлаб чиқариш саноати ҳажми эса мос равишда 1,6 баравар ортади.

8-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2018-2021 йилларда ЯИМнинг ўсишида саноатнинг ҳиссаси ўртача 2 фоизни, саноатнинг ўсиш суръатлари ўртача 10,3 фоизни ташкил этади, бунда қайта ишлаш саноатининг қўшган ҳиссаси 9,3 фоизга етади.

8-жадвал

Ўзбекистонда 2018-2021 йилларда саноатнинг ўсиш суръатлари ва иқтисодий ўсишдаги алоҳида тармоқларнинг улуши (% ҳисобида)

Саноатнинг тармоқ таркиби	2018 й	2019 й	2020 й	2021 й	2018-2021 йиллар учун ўртача
тоғ кон саноати	0,65	0,62	0,71	0,80	0,69
қайта ишлаш	9,82	8,48	9,46	9,48	9,31
сув билан таъминлаш, канализация тизими	0,10	0,08	0,06	0,06	0,08
электр газ-буғ билан таъминлаш ва ҳаво кондициялаш	0,33	0,39	0,20	0,17	0,27
Жами саноат бўйича ўсиш суръати	10,9	9,5	10,4	10,5	10,3
ЯИМ ўсишида саноатнинг улуши	2,0	1,8	2,1	2,2	2,02

Математик моделлаштириш орқали 2030 йилгача мўлжалланган прогноз вариантларини ишлаб чиқиш имконияти мавжуд. (9-жадвал)

Прогноз вариантларини ишлаб чиқишда мамлакатнинг макро-иқтисодий ҳолатидаги қуйидаги параметрлар ҳисобга олинди:

- миллий валютанинг алмашинув курсининг девальвацияси ўртача йиллик 15 %;
- истеъмол нархлари индекси (ИПЦ инфляция) 2018 йилда 18-19 %, 2019-2021 йилларда ўртача 10%;
- ташқи муҳит барқарор бўлиб, мамлакатнинг асосий экспорт товарлари нархи ўзгариши барқарор тенденцияга эга;
- асосий савдо ҳамкор мамлакатлар иқтисодиёти барқарор ўсиш тенденциясига эга;
- мамлакатда юмшоқ фискал сиёсати туфайли иқтисодиётда ишбилармонлик муҳитининг барқарорлиги;

- мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятини либераллашуви шароитида хорижий капитал оқимининг эркин кириб келиши;
- юқоридаги макроиқтисодий индикаторлар асосида мамлакатда соғлом рақобат муҳитининг шаклланганлиги.

9-жадвал маълумотларидан кўринадики, саноат тармоқларидаги ишлаб чиқаришнинг ўсиши моделларидаги R-squared нинг 1 га яқинлашиб бориши, ўрнатилган трендларнинг ва танланган моделларнинг адекватлигини ифодалайди.

9-жадвал

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариши ўсишининг сценариялари ва моделлари

Моделъ номи	R ²	F _{stat}	Сценарий номи	DW
Қазиб олувчи саноат				
$y = 42 \cdot t^2 + 330 \cdot t + 8829,8$	0.98	2891.19	Мобилизацион	2.66
$Y = 666,4 \cdot t + 8437,8$	0.96	226.05	Таянч	1.37
$y = 8914,4t^{0,284}$	0.95	28.66	Инерцион	0.75
Қайта ишлаш саноат				
$y = 613,11t^2 + 2285,54t + 56720,4$	0.96	1053.05	Мобилизацион	1.59
$Y = t \cdot 7190,4 + 50998,1$	0.99	173.79	Таянч	0.54
$y = 58898t^{0,3892}$	0.95	26.26	Инерцион	0.53
Сув билан таъминлаш, канализация тизими				
$y = 0,26t^2 + 522,51t + 389,07$	0.98	554.75	Мобилизацион	2.37
$Y = t \cdot 78,5 + 386,6$	0.99	1280.55	Таянч	2.3
$y = 306,5t^{0,5811}$	0.90	70.03	Инерцион	0.51
Электр газ-буғ билан таъминлаш ва ҳаво кондициялаш				
$y = -21,33t^2 + 563,9t + 5874,1$	0.97	2891.19	Мобилизацион	2.66
$Y = t \cdot 393,25 + 6073,2$	0.98	352.7	Таянч	0.78
$y = 6085,4t^{0,2512}$	0.92	129.49	Инерцион	1.12

Агар 2021 йилгача саноатдаги таркибий ўзгаришлар давлат дастурларига мувофиқ амалга оширилса, узоқ муддатга мўлжалланган 2030 йилгача стратегик вазифа сифатида белгиланган аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажмини 2017 йилга нисбатан икки баравар ошириш учун прогноз вариантлари учта сценарий бўйича оралиқ даврлар учун қуйидагича бўлади.

10-жадвал маълумотларидан кўринадики, сафарбарликка асосланган (мобилизацион) сценарий бўйича прогноз қилинганда саноатнинг ўсиш суръатлари 2022-2026 йилларда 9,8 %, 2027-2030 йилларда 8,7 фоизни, қайта ишлаш саноатининг ўсиш суръатлари мос равишда 12,8 % ва 9,2 фоизни

ташкил этади, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми эса 1,3-1,5 марта ортади.

10-жадвал

Ўзбекистонда 2018-2030 йилларга мўлжалланган прогноз вариантлари

Кўрсаткичлар	2022-2026 йй	2027-2030 йй
Инерцион сценарий		
Саноатнинг ўсиш суръати %	3,5	3,5
Қайта ишлаш саноатининг ўсиш суръати %	3,7	3,6
Тоғ-кон саноатининг ўсиш суръати %	3,7	3,8
Таянч сценарий		
Саноатнинг ўсиш суръати %	5,6	4,3
Қайта ишлаш саноатининг ўсиш суръати %	5,6	4,4
Тоғ-кон саноатининг ўсиш суръати %	4,7	3,6
Мобилизацион сценарий		
Саноатнинг ўсиш суръати %	9,8	8,7
Қайта ишлаш саноатининг ўсиш суръати %	12,8	9,2
Тоғ-кон саноатининг ўсиш суръати %	9,0	6,9

Бу эса саноатдаги таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда мобилизацион сценарийни қўллаш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

ХУЛОСА

Диссертация ишида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий хулосалар ишлаб чиқилди:

1. Иқтисодиётни модернизациялаш айрим ижтимоий-иқтисодий тизимга хос бўлган иқтисодий категория бўлиб, уни тавсифлашда иқтисодиёт яхлит тузилма сифатида, давлат, жамият ва шахс асосий субъектлар сифатида қаралади. Иқтисодиётни модернизациялаш категориясига қуйидагича муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди: “Иқтисодиётни модернизациялаш ишлаб чиқариш омилларини такомиллаштириш асосида иқтисодиётнинг тармоқларида барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидан иборат жараёндр”. Иқтисодиётни модернизациялаш категорияси таърифига такомиллашган назарий ёндашув миллий иқтисодиётни модернизациялашнинг концептуал асосларини такомиллаштириш ва амалга оширишнинг устувор йўналишларини аниқлаш имконини берди.

2. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнига таъсир этувчи эндоген ва экзоген омилларни тавсифлаш ва таснифлаш тўғрисидаги услубий тавсиялардан фойдаланиш иқтисодиётни етакчи тармоқларини модернизациялаш ҳамда таркибий ўзгаришлар дастурларини шакллантиришнинг методологик асосларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

3. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш моделларининг фарқланиш мезонларини ҳаракатлантирувчи кучлар асосида баҳолаш методикаси асосида миллий иқтисодиётнинг етакчи соҳа ва тармоқларини модернизациялашнинг мақсадли давлат дастурларини амалга ошириш механизми такомиллаштирилди.

4. Иқтисодиётни модернизациялашнинг табиий, инқилобий ва “қувиб етадиган” моделларининг тамойиллари, хусусиятлари, ҳаракатлантирувчи кучлари ва фарқланиш мезонлари, Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш стратегиясининг таркибий ўзгаришларга боғлиқлиги, иқтисодиёт тармоқларининг юқори технологиялар билан таъминлаш даражасини ошириш, инновацион ривожланишга асосланган йўналишларини аниқлаш Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларнинг стратегик мақсадларини аниқлаш имконини берди.

5. Тадқиқот ишида миллий иқтисодиётни модернизациялашнинг дастурини самарали амалга ошириш учун ялпи инвестиция нормаси камида 25-35% бўлиши зарурлиги ва модернизациялаш муддати 20-30 йилни ташкил этиши асосланган.

6. Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган модернизациялаш “қувиб етадиган” моделга мос келади. Иқтисодиётни “қувиб етадиган” модернизациялаш моделини муваффақиятли амалга ошириш, таркибий ўзгаришлар қилиш, миллий иқтисодиётни инновацион тараққиёт йўлига ўтиш имкониятини яратади.

7. Иқтисодиётни модернизациялашнинг “қувиб етадиган” моделини самарали қўллашда қайта ишлаш саноати корхоналаридаги рентабеллик кўрсаткичининг пасайиб бориш тенденцияси, асосий воситаларнинг эскириш даражаси билан янгиланиб бориш коэффициенти ўртасидаги номувофиқлик мавжуд. Иқтисодиётни модернизациялашнинг “қувиб етадиган” моделини миллий иқтисодиёт учун қўллашнинг афзаллиги модернизация ва реконструкциялашнинг асосий молиялаштириш манбаси бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз маблағлари ҳажмини оширишда давлат томонидан ўрнатилган солиқ ва божларга нисбатан имтиёз ва преференцияларнинг берилиши, кичик бизнес субъектларига кенг имкониятлар яратилганлиги, Ўзбекистон меҳнат бозорида ишчи кучи баҳосининг нисбатан арзонлигида намоён бўлади.

8. Ўзбекистон инвестиция сиёсатида ишлаб чиқаришни модернизиациялаш, таркибий ўзгаришлар ва диверсификациялаш талабларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётга жалб этилган инвестицияларнинг технологик таркибида қурилиш-монтаж ишлари билан асбоб-ускуна ва жихозлар улуши ўртасидаги нисбатни мос равишда 1:2 га етказиш керак. Бунда асосий эътибор ресурс тежамкор, юқори технологияли воситаларни иқтисодиётда қўллаш, импорт ўрнини босувчи товарларни ишлаб чиқаришга қаратилса, инвестициялар самарадорлиги ортади.

9. 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида 2021 йилда саноат таркибида қайта ишлаш саноатининг улушини 85 фоизга етказишда 2018 йилда 81,6%, 2019 йилда 82,4 %, 2020 йилда 84,4 фоизни ташкил этиб, 2021 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2017 йилга нисбатан номинал баҳоларда ҳисобланганда 1,5 баравар ортади. Саноат таркибида қайта ишлаш тармоғини устун даражада ўсиши иқтисодиётда модернизациялаш жараёнларининг чуқурлашуви ва диверсификациялашувини жадаллаштиради.

10. Ўзбекистон Республикасининг “Модернизация тўғрисида”ги Қонуни ишлаб чиқилиб, қабул қилинса, мамлакатимизда модернизациялаш дастурининг ҳуқуқий-институционал асоси яратилади ва амалга ошириш самарадорлиги ортади.

11. Сафарбарликка асосланган сценарий бўйича саноатнинг ўсиш суръатлари узоқ муддатли истиқбол учун 2022-2026 йилларда 9,8 %, 2027-2030 йилларда 8,7 фоизни, қайта ишлаш саноатининг ўсиш суръатлари 2022-2026 йилларда 12,8 % ва 2027-2030 йилларда 9,2 фоизни ташкил этади. Бу эса саноатдаги таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда мобилизацион, сафарбарликка асосланган сценарийни қўллаш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ
СТЕПЕНЕЙ №DSc.27.06.2017.I.17.01
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ФИНАНСОВОМ ИНСТИТУТЕ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА
ИМЕНИ МИРЗО УЛУГБЕКА**

МАХМУДОВА ГУЛЖАХОН НЕМАТДЖОНОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕОРЕТИЧЕСКИХ ОСНОВ МОДЕЛЕЙ
МОДЕРНИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ**

08.00.01 – Экономическая теория

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ЭКОНОМИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

Ташкент – 2018

Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.1.DSc/Iqt6.

Докторская диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека.

Автореферат диссертации размещен на веб-странице Научного совета (tfi.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по ссылке www.ziyo.net на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)).

Научный консультант:	Вахабов Абдурахим Васикович доктор экономических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Набиев Элшод Ганиевич доктор экономических наук, профессор Хасанов Рустам Раббимович доктор экономических наук, профессор Расулов Тулкин Сатторович доктор экономических наук, профессор
Ведущая организация:	Андижанский машиностроительный институт

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в ____ часов на заседании Научного совета №DSc. 27.06.2017.I.17.01 при Ташкентском финансовом институте. (Адрес: 100000, г.Ташкент, ул. А.Темура, 60 А, Тел.: (+99871) 234-53-34; факс: (+99871) 234-11-48, e-mail: admin@tfi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского финансового института (регистрационный №12). Адрес: г.Ташкент, ул. А.Темура, дом 60 А, Тел.: (+99871) 234-53-25

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(Реестр протокола рассылки № _____ от «__» _____ 2018 года).

Н.Х. Хайдаров
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор экономических наук, профессор

С.У. Мехмонов
Секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор экономических наук, профессор

Ж.И. Каримкулов
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, кандидат экономических наук, доцент

Введение (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и необходимость темы диссертации. Устойчивый экономический рост в мировой практике большинства развитых стран, обеспечен на основе инновационных факторов, путем осуществления программы модернизации национальной экономики и её структурных преобразований. В таких развитых странах, как Япония, Германия, Республика Корея, Китайская Народная Республика достигнут устойчивый экономический рост на основе осуществления стратегий модернизации экономики и осуществлены глубокие структурные преобразования. В странах с переходной экономикой на основе модернизации экономики и диверсификации её компонентов, решаются задачи перехода на путь инновационного прогресса. После разработки проекта модернизации социально-экономического развития страны, сформируется стратегия, охватывающая промышленность, инвестиции и инновационную политику. Под модернизацией, с одной стороны, предполагается техническое и технологическое обновление ведущих отраслей экономики и их совершенствование, качество и в конечном итоге происходит диверсификация производства, а с другой стороны, возникает вопрос развития человеческого фактора.

В условиях модернизации национальной экономики “...важное значение приобретают формирование инновационной программы, подготовка кадров нового поколения, эффективно пользующихся инновациями и инвестициями, поддержка развития класса собственников. Для этого нужна глубоко продуманная национальная идея, национальная программа технологического развития Узбекистана и модернизации внутреннего рынка. Реализация этой программы должна создать новые возможности для обретения Узбекистаном достойного места в ряду развитых стран мира”¹. Приоритетным направлением в достижении этих долгосрочных целей является модернизация национальной экономики и осуществление структурных преобразований. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах, основным направлением является “повышение конкурентоспособности национальной экономики за счет углубления структурных преобразований, модернизации и диверсификации ее ведущих отраслей”².

Как показывает мировая практика, повышенная энергоёмкость, материалоёмкость и капиталоемкость производимых товаров, и не достаточное использование современных технологий оказывают отрицательное влияние на конкурентоспособность производимых товаров в стране. Ускорение процессов модернизации, осуществляемых в экономике, и глубокий анализ теоретических и концептуальных аспектов осуществления структурных преобразований, сравнительный анализ передового опыта

¹ Мирзиёев Ш.М. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису – Т.: Узбекистан, 2018. С. 48.

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” №УП-4947.

осуществления программ модернизации национального хозяйства развитых стран, исследование возможности творческого применения данного опыта для совершенствования и повышения эффективности модернизационной стратегии, осуществляемых в Узбекистане, имеют особое научно-практическое значение. Вышеизложенные положения требуют разработки научных предложений и практических рекомендаций по совершенствованию теоретической и концептуальной основ модели модернизации национальной экономики Узбекистана с учетом специфических особенностей страны.

Данное диссертационное исследование в определенной мере способствует выполнению задач, намеченных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-3860 от 14 марта 2007 года “О дополнительных мерах по стимулированию модернизации, технического и технологического перевооружения производства”, в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4609 от 7 апреля 2014 года “О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию инвестиционного климата и деловой среды в Республике Узбекистан”, в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-5308 от 22 января 2018 года “О государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в “Год поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий”.

Соответствие исследовательской работы приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Данное исследование выполнено в рамках проекта ИТД-2 “Углубление демократических реформ, формирование гражданского общества, разработка научных основ модернизации и легализации национальной экономики” приоритетного направления развития науки и технологии республики “Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики”.

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации. Научные исследования, посвященные теории модернизации экономики, осуществляются в ведущих университетах мира, в частности, в Оксфордском университете (Oxford University, Великобритания), Кембриджском университете (Cambridge University, Великобритания), Принстонском университете (Princeton University, США), Чикагском университете (Chicago University, США), Институте Всемирного банка (World Bank Institute, США), Организации Объединенных Наций по промышленному развитию ООН (United Nations Industrial Development Organization (UNIDO), США), Центре регионального развития ООН (United Nations Centre for Regional Development, США), Программе развития ООН (United Nations Development Programme (UNDP) США), Организации экономического сотрудничества и развития (Organization for Economic Cooperation and Development

(OECD), Франция), Центре модернизационных исследований (China Center for Modernization Research, КНР), Высшей экономической школе – Государственный университет (Высшая экономическая школа, Россия), Институте прогнозирования и макроэкономических исследований при Министерстве экономики Узбекистана, Центре экономических исследований, Национальном университете Узбекистана.

В процессе научных исследований, посвященных совершенствованию теоретических основ моделей модернизации экономики, достигнуты следующие результаты: разработаны модели модернизации экономики, отражающие связь экономического роста с инвестициями (Oxford University, Cambridge University, Великобритания); раскрыты теоретические особенности классической модели модернизации постпромышленного революционного периода; разработана теория постмодернизации высокоинтеллектуального, информационного общества (Chicago University, США); в науку внедрена вторичная теория модернизации (China Center for Modernization Research, КНР); осуществлен комплексный анализ модернизации как экономической и социальной категории, получены научные выводы, касающиеся типов моделей модернизации экономики и масштабов реализации её программ, и движущей её силы (Высшая экономическая школа, Россия).

В мировой экономической науке осуществляются следующие научные исследования по совершенствованию теоретических основ моделей модернизации экономики: повышение эффективности механизма реализации “догоняющей” модели модернизации экономики; оценка влияния модернизации в условиях перехода национальной экономики на инновационный путь; достижение пропорциональности между модернизацией экономики и структурными преобразованиями; достижение устойчивых темпов экономического роста за счет инновационных факторов в экономике.

Степень изученности проблемы. Некоторые теоретические, практические и количественные аспекты модернизации национальной экономики исследованы в работах ученых дальнего зарубежья, таких как У.Ростоу, Р.Ингелхарт, Э.Меддисон, Р.Кинг, Ж.Нэтэнсон, А.Люись, Х.Чуанки, Х.Ямаваки, У.Роберт, П.Ромер³, и стран ближнего зарубежья

³Rostow W. The Stages of Economic Growth. Cambridge University Press. 1991. Business & Economics, 272 p.; Inglehart R. Modernization and Postmodernization: cultural, economic, and political changes in 43 societies. Princeton, New Jersey: Princeton University Press, 1997. 464 p.; Maddison A. Depicting data excerpted from Contours of the World Economy, 1–2030 AD. Essays in Macro-Economic History, Oxford University Press, 2007. 382 p.; King R. The Singapore Miracle, Myth and Reality. Inglewood (Western Australia), 2006. – 472 p.; Natanson J. Las líneas de separación entre izquierda y derecha son otras, pero existen. Entrevista a Fernando Henrique Cardoso//Nueva sociedad. 2008. N 217. 194 p.; Lewis A. Theories of Industrial Modernization & Development: A Review, 2011. 102 p.; Chuanqi He Modernization Science: The Principles and Methods of National Advancement Springer Science & Business Media, 2012. 648 p.; Yamavaki H. Japanese Exports and Foreign Direct Investment Imperfect Competition in International Markets, 2007. 288 p.; Wade Robert. Governing the Market: Economic Theory and the Role of Government in East Asian Industrialization. Princeton: Princeton University Press 2003. - 496 p.; Romer P. Endogenous Technological Change//Journal of Political Economy, №5, 1990. p.71-102.

независимых государств, таких как А.Амосов, О.Голиченко, В.Дементьев, Д.В.Диденко, Л.Евстигнеева, Р.Евстигнеев, В.А.Красильщиков, В.Мау, Р.М.Нуреев, Н. Обухов, И.А.Погосов, В.Полтерович, Б.А. Хейфец, К.Хубиев⁴ и другие, они проанализировали процессы модернизации производства стран с переходной экономикой. В данных научных исследованиях выявлены особенности моделей и движущие силы модернизации, национальные стратегии модернизации экономики и систематизированы механизмы их реализации.

